

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Қарши Мухандислик Иқтисодиёт Институти

"Иқтисодиёт ва менежмент" кафедраси

МАРКЕТИНГ

фанидан

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

Барча йуналишлар учун

Қарши- 2006

Ушбу мавзу матнлари «Маркетинг» курси буйича езилган булиб, мантикий кетма-кетлик асосида Ўзбекистон Республикаси иктисодиети мохиятини очиб беришга қаратилган. Иктисодиетда бозор иктисодиетиға утиш муносабатиға билан олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари еритиб берилган.

Мавзу матнларида бир қатор ривожланган чет мамлакатларининг тажрибаларидан фойдаланган ҳолда еритилишға ҳаракат қилинган. Мавзу матни барча йуналишда таълим олаётган студентларға мулжалланган. Ушбу мавзулар матни 36 соатға мулжалланган.

Тузувчи:

**доц.А.И. Раҳматуллаев,
А.Қурбонов**

Тақризчилар:

**доц. И.Э. Турсунов
ҚДУ“Иқтисодиёт”кафедраси
доценти Э. Тоиров**

1-Мавзу **Маркетинг фанининг назарий асослари.**

1. Маркетинг таърифи ва эволюцияси.
2. Маркетинг функциялари субъекти, унинг роли.
3. Маркетинг турлари.

Таянч иборалар:

Классик таъриф; Умумлашган таъриф; маркетинг тамойили; бизнес мақсади; маркетинг объекти; маркетинг субъекти; ички маркетинг; экспорт; импорт; инвестиция; халқаро; ижтимоий гоёлар;

Адабиётлар 1.2. 15. 16. 17. 18.

1. Маркетинг таърифи ва эволюцияси.

Маркетингга жуда кўп таъриф ва талқинлар берилган бўлиб уни икки гуруҳга бўлиш мумкин: классик (чегараланган) ва замонавий (умумлашган) таърифлардир. Классик таърифда маркетинг қуйидагича ифодаланади: Маркетинг -- бу товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчи еки сотиб олувчига етказиб бериш каби жараенни бошқарувчи тадбиркорлик фаолияти еки бошқача қилиб айтганда товар харакати орқали товар ва хизматларга булган талабни қаноатлантириш, режалаштириш, қенгайтириш воситасида амалга оширувчи социал жараендир.

Маркетингга бундай таъриф шу нарсани қузда тутмоқдаки бунда асосий нарса товар ва хизматларнинг физик харакатидир. Шунинг учун ҳам бу таъриф бир қатор қамчиликларга эга. Масалан, бунда товар билан таъмиplash ва сотиш қаналларининг тутган урни ошириб юборилиб маркетинг фаолияти билан давлат ва тижорат ташқилотлари ҳам шугулланиши мумкинлиги инқор этилмоқда. Ундан ташқари сотувчилар билан харидорлар орасидаги бу мухит боғлиқлик четлаб утилмоқда, шунингдек маркетингга турли хил гуруҳларнинг бевосита таъсири ҳам қурсатилмаган. (қодимлар, қасаба уюшмалари, акционерлар, давлат органлари).

Юқорида қайд этилган таърифга уқшаш таърифлар товар ва хизматлар билан чегараланиб қолмаслиги қерак, қунки турли хил ташқилотлар (қизил яримой), одамлар (сиесий номзодлар), алоқида қудудлар ва гоёлар ҳам унинг предмети булиши мумкин. Шуларни қузда тутган қолда айтиш қеракки маркетингга берилаетган хар қандай таърифда асосий мулжал истеъмолчи булмоги лозим.

Берилган таърифдаги қамчиликларни бартараф қилиш мақсадида Америка Маркетинг ассосацияси 1985- йилда унга қуйидагича таъриф берди: "Маркетинг- айрибошлаш орқали инсонлар ва ташқилотлар талабларини қондириш мақсадида гоёлар, товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни режалаштириш ва уни амалга ошириш, нарх белгилаш, товар харакати ва сотилишини уюштиришдир"

Ассоциациянинг уша пайтдаги президенти таъкидлашича маркетингга берилган янгича таъриф унинг камров доирасини анча кенгайтирган. Яъни бу фан факатгина тадбиркорлик фаолияти билан чекланиб колмасдан уз ичига ноижорат ташкилотлари ва гоьлар маркетингини хам олади.

Маркетинг ассоциациясининг янгича таърифига ососланган холда хозирги пайтдаги замонавий маркетинг куйидагича таъриф бериш мумкин: Маркетинг - бу товарлар, хизматлар, ташкилотлар, гоьлар ва шу кабиларга ухшаш талабларни кура билиш, бошқариш ва уларни айрибошлаш оркали кондиришдир.

Дастлабки маркетингни кулланиш сохаси хакикатдан хам ишлаб чиқарилган махсулолтни сотишнинг тор доираси билан чегараланган булса, вақт утиши билан у бу доирадан чикиб бутун ишлаб чиқариши-сотиши фаолиятини бошқаришнинг назария ва амалиетида хал килувчи омил булиб колди. Бошқаришнинг назария ва амалиетида хал килувчи омил булиб колди.

Бинобарин маркетинг хакида суз юритилганда, бу тушунчанинг икки жихатини - маркетингнинг тамойили сифатида эканлигини ва харакат тарзи эканлиги, аниқроги амалий маркетингни фарқлаб олиш зарур булади.

Маркетинг томайили - бу фирма, ташкилоти инсоннинг истеъмолчиларга мужжалланган умумлашган максадли философиясидир. Гарб иктисодчиларидан бири Питер Дракер фирманинг уз мувофаккиятларига эришишида унинг ролини куйидагича таъкидлаб утган эди: "Агар биз бизнес нима эканлигини билиб олмокчи булсак, аввало биз унинг максадларини билиб олишимиз керак... Бизнеснинг максади хакида факатгина ягона тулик таъриф мавжуд - бу хам булса истеъмолчига яратишдир. Булажак бизнес еки унинг мувофаккиятлари учун фирманинг узи махсулотлари тугрисида нимани уйлаётгани энг асосий нарса эмас. Асосий нарса истеъмолчи узи харид килган нарса хакида унинг афзал томонлари хакида нимани уйламокда мана шу нарса энг хал килувчи ва бизнеснинг мазмуни ва мохиятини аниқлайди.

Маркетинг тамойилига расман таъриф 1957-йилда Джен Миккетери томонидан берилган. Америка маркетинг ассоцияси мажмуасида(АМА) уни куйидагича таърифлаган: "Маркетинг тамойили бу - истеъмолчи ва фойдага мужжалланган бизнес фалсафасидир. "

Сунги 30 йил давомида аксарият фирмалар уз фаолиятини маркетингга суянган холда амалга оширадилар. Бунга куйидагиларни мисол килиш мумкин. "Маркетинг бу - истеъмолчилар талаби ва истакларини аниқлашга кура билиш, яратиш ва компанияни барча ресурсларини шу талаб ва истакларни, компанияни хам, истеъмолчиларни хам манфаатдорлигини кузлаган холда кондиришга каратиш жараёнидир. "

"Хозирги пайтда истеъмолчиларнинг талаб ва эхтиёжларини кондириш максадида бизнинг савдо фаолиятимиз мураккаб ва куп киррали системага айланди. Чакана савдо бозорларида илгор компаниялар ичида урнини мустахкамлаш кенгайтириш максадида хар бир фирма стратегик диверцификацияни амалга ошилмокда, бунда бозорга учта асосий ендашишга

асосланган холда ривожланмокда. Бу холда уларнинг хар бири истеъмолчилар бозори сегментининг дидлари. одатлари ва харид структураларига хизмат килмокдалар. "


Юкорида баен килинган фикрлар шундан дарак бермокдаки, турли фирмаларнинг хар бири учун маркетинг компаниялари асри кириб келаяпти.

Маркетинг учун асосий субъект булиб ишлаб чиқарувчилар, хизмат курсатувчи ташкилотлар, чакана ва улгуржи савдо ташкилотлари, маркетинг буйича мутахасислар ва турли истеъмолчилар хизмат килади.

3. Маркетинг функциялари субъекти, унинг роли.

Маркетингнинг асосий функциялари эса куйидагилардан иборат: атраф мухитни тахлил килиш ва бозор ишланишлари, истеъмолчиларни тахлил килиш, товарларни режалаштириш, сотишни режалаштириш, товарлар харакати жараенини режалаштириш. Социал масъулият ва маркетингни бошқаришни таъмлаш.

Маркетинг субъектлари куйидаги расм ердамида ифодалаш мумкин.



Маркетингнинг курсатиб утилган асосий субъектлари амалга ошириши зарур булган функцияларни куриб чикайлик .

Ишлаб чиқарувчи ва хизмат курсатувчи ташкилот- бу одамлар ёки ташкилотлар булиб уларнинг асосий функциялари истеъмолчига хизмат курсатиш ва зарур товарларни шилаб чикаришдан иборатдир. Охирги истеъмолчи-шахсан, оилада ва хизматларни сотиб олувчи шахс ёки оила.

Истеъмолчи ташкилотлар - товар ва хизматларни уз фаолиятида ишлатиш учун сотиб олувчи ташкилот ва одамлар.

Улгуржи савдо - товар ва хизматларни олиб чакана савдо йули билансотувчи ёки саноат ва тижорат истеъмолчиларига утказувчи ташкилот ёки одамдир.

Маркетинг буйича мутахассислар- аниқ маркетинг функцияларини бажаришга ихтисослашган ташкилот юки одамлар.

Бир катор сабабларга кура битта субъект барча маркетинг функцияларини бажаришни буйнига ололмайдилар;

Купгина ишлаб чиқарувчилар бевосита маркетинг учун зарур булган моддий ресурсларга эга булмайдилар;

Ташкилотлар маркетингни аниқ функцияларини бажара олмаслиги ёки бажаришни хохламаслиги ва бу махсулотлар учун маркетинг буйича мутахасисларни ахтариб топишга ҳаракат қиладилар;

Купчилик ташкилотлар маълум бир функцияларни самарали бажариш учун кичиклик қиладилар;

Купчилик товар ва хизматларни сотиш учун аниқ услублар ишлаб чиқилган булиб уларни четлаб утиш қийин.

Купгина истеъмолчилар маблағларини тежаш мақсадида катта миқдорда харид қиладилар, узлари олиб кетадилар, уз узига хизмат қиладилар ва х. з.

3.Маркетинг турлари.

Маркетинг қуланиш соҳалари ва объектларига кура қуйдагича гуруҳлаш мумкин: ички, товарлар буйича, экспорт, импорт, илмий- техник, инвестиция киритиш маркетинг, халқоро маркетинг, нотижорат маркетинги, ижтимоий гоьлар маркетинги. Ички маркетинг одатда бир томон доирасида товар ва хизматларни сотиш масаласи билан боғлиқ. Амалда барча корхоналар аввал ички бозорга қиради, юкори натижаларга эришгандан кейин ташки бозорга чиқади.

Товаро ва хизматлар маркетинги самарали сотишни ташкил этишнинг кичик деталлари ва хусусиятларини тадқиқ қилиш, товарлар ва хизматлар турлари буйича тадбиркорлик фаолиятининг фойдалилигини таъминлашни кузда тутати.

Экспорт маркетинг янги хорижий сотиш бозорларини қушимча тадқиқ қилиш, фирма товарларини хорижий бозорларда сотишни ташкил этишнинг кузда тутати.

Импорт маркетинг юкори самарали харидорларни таъминлаш учун бозор тадқиқотларини амалга оширати.

Илмий-техник маркетинг хариднинг илмий-техник фаолият натижалари: патенлар ва лицензияларни сотиш ва харид қилиш буйича маркетинг тадқиқотларини амалга оширати.

Инвестиция киритиш маркетинги уз ичига хорижий фаолиятни тадқиқ қилиши, янги корхона ишининг имкониятлари, унинг сотиш фаолиятини чуқур ва хар тарафлама таҳлил қилиш, ҳамда компания манфаатлари ва корхона қуриган мамлакат қонунларини ҳисобга олган ҳолда ташки бозорда сотишни ташкил қилишни кузда тутати.

Нотижорат маркетинги асосан алохида ташкилот еки алохида шахсга нисбатан жамоанинг ижобий фикрини яратиш масалалари билан шугулланади.

Ижтимоий маркетингни куллашни энг мухум сохаси ривожланаётган мамлакатларда ойлани режалаштириш, қариялар ка кассаларга эътиборни жалб қилиш, айрим ижтимоий заруриятларга хайрия қилишга тайерликни рағбатлантиришдан иборат.

Мавзу буйича саволлар:

- 1) Маркетингга қандай таъриф бериш мумкин?
- 2) Классик таърифнинг асосий қамчиликлари нима?
- 3) Маркетинг тамойили деганда нимани тушунамиз?
- 4) Маркетингнинг қандай асосий турлари мавжуд?
- 5) Маркетинг турлари бир-биридан фарқ қиладими?

2-Мавзу. **МАРКЕТИНГ МУХИТИ**

1.Маркетинг фаолият курсатаётган микромухитнинг асосий омиллари


2. Назорат қилиб буладиган асосий омиллари.
3. Махсадга эришиш, акс таъсир, мослашиш

Таянч иборалар: *Маркетинг мухити; макро мухит; микро мухит; назорат қилинадиган омиллар; мослашиш; акс таъсир; истемолчилар; рақобат; ҳукумат; оммавий ахборот воситалари;*

Адабиётлар: 3.9.16.18.22.

1.Маркетинг фаолият курсатаётган микромухитнинг асосий омиллари

Маркетинг мухити деганда фирма юки унинг юкори ташкилотлари фаолиятига таъсир курсатувчи ижтимоий иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар мажмуи тушунилади. Бу омилларни қуйидаги расм орқали курсатиш мумкин.



Куришиб турибдики маркетинг фаолияти курсатаётган мухитга беш хил омил таъсир курсатар экан : маркетинг ва олий рахбарият томонидан назорат қилиб буладиган омиллар, назорат қилиб булмайдиган омиллар, фирма уз максадларига эришишдаги ютуқлар ва мувафаккиятсизликлар даражаси, мосланиш ва акс таъсир.

Назорат қилиб буладиган омиллар икки қисмдан иборат булар экан: олий рахбарият томонидан ва маркетинг томонидан назорат қилиб буладиган омиллар.

Олий рахбарият томонидан назорат қилиб буладиган омиллар. Олий рахбарият томонидан бир қатор хилма-хил қарорлар қабул қилинади. Булар ичида маркетинглар учун энг муҳими бешта: фаолият соҳалари, умумий максадлари, маркетинг роли, бошқа тадбиркорлик фаолиятлари роли ва корпорация маданияти


Фаолият соҳалари. Бу тушунча маҳсулот (хизмат)нинг умумий даражаси, компания вазибалари, ҳудудий чегаралари, мулкнинг қуриниши ва ва аниқ фаолтяти камраб олади.

Маҳсулот(хизмат)нинг умумий даражаси- бу фирма амалга оширишга интиланган фаолият турини анча кенгрок таърифлашдир. Булар энергия, мебель, турар жой бинолар ва бошқалар булиши мумкин.

Вазибалар компаниянинг маркетинг соҳасидаги (ишлаб чиқариб етказиб берувчи, улгуржи савдо, чакана савдо) ҳолатини . шунингдек компания қилмокчи булган ҳаракатни аниқлаб беради. Фирма битта фазиладан ташқари купрогини амалга ошириш мумкин.

Фаолиятнинг ҳудудий чегаралари сифатида туман, шаҳар, вилоят, мамлакат, халқаро бозор булиши мумкин. Мулк қуриниши- шахсий мулкдордан тартиб корпорациялар мулкигача булиши мумкин.

Маркетинг томонидан назорат қилиб буладиган омиллар. Бу максадли бозорни танлаш, маркетингни ташкил этиш, маркетинг тузилмаси ва бошқариш каби маркетинг элементидир. Буларни қуйидаги расм орқали ифдалаш мумкин.



2. Назорат килиб буладиган асосий омиллари.

Маркетинг ваолий рахбарият томонидан назорат килиббулмайдиган омиллар-бу корхона фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир этувчикорхона ва унинг маркетинг хизмати булими томонидан бошкариб булмайдиган элементларидир. Бунда ишни эътиборга олиш кераклик хаттоки энг яхши тузилган режалар ҳам бу омиллар таъсирида барбод булиши мумкин. Бу омилларни куйдаги расм оркали ифодалаш мумкин.



Истеъмолчилар маркетинг хизмати булими мақсадли бозорни танласа ҳам унинг характеристикаларини назорат қила олмайди. Истеъмолчилар еши даромади, оилавий аҳоли, ижтимоий келиб чиқиши, ирки, дини ва бошқаларни кузда тутиши мумкин лекин уни бошқара олмайди. Мисол болалар учун қийим – кечак тикувчи корхона уларга мос қийимларни янги турларини тикилишини йулга қуйиши мумкин лекин уларни тугилишини қамайтиришни еки қупайтиришни иложини қила олмайди.

Ракобат. Хар бир фирманинг бозордаги ракиби албатта унинг маркетинг стратегияси ва унинг бозордаги эришаётган ютуқларига таъсир этишга харкат қилади. Шунинг учун ҳам фирам узи учун дуч келаётган ракобат тузилмасини аниқлаши ва чуқур таҳлил қилиш зарурдир. Маълумки ракобатни турт хил тузилмаси бўлиши мумкин. : монополия, олигополия, монополистик ракобат, соф ракобат. Фирма айнан шу ракобат тузилмаларини қайси бирига дуч келаётганлигини аниқлаши ва уни таҳлил қилиб чиқиши керак.

3. Махсадга эришиш, акс таъсир, мослашиш

Ундан кейин эса ракибларни маркетинг стратегиясини баҳолаб олиши керак. Хусусан, қайси ҳудудий бозорлар товарлар билан тулдирилган қайсилари тулдирилмаган, ракибларнинг маркетинг режалари ва максадли бозорлари, ракиб товарларининг устунли томонлари, истеъмолчиларнинг талабларини хизмат курсатиш даражасини ва сифати билан кондирани олиш даражаси кабиларни.

Айтиб утилганлардан ташқари фирма сотиш каналларидан мавжуд муносабатларни урганиб чиқиши зарур бўлади.

Ва ниҳоят узининг умумий нуктаи назаридан ракибларини аниқлаб олиши керак. Мисол учун, кинотеатр билан бошқа кинотеатрлар ракобати бўлибгина қолмай балки телевидение, спорт тадбирлари, ва бошқалар. Шунинг учун ҳам кинотеатр эгаси уз-узига шундай савол бермоғи лозим бўлади: Турли хилдаги дам олиш муассасалари билан ракобат қилиши учун филиалларни танлаш, баҳоси, намоёниш қилиш вақтлари хизмат курсатиш ва бошқалар нуктаи назардан нималар қилиш зарур».

Хукумат. Истеъмолчилар ҳуқуқи, уларнинг соғлиқларини ва бошқа кичик корхоналар ҳимоя қилиш максатида қарорлар, формалар чиқариши мумкин. Шунга ухшаш тадбирлар фирма томонидан назорат қилиб бўлмайди. Иқтисодий ҳар бир фирма учун мамлакатни иқтисодий жиҳатдан қай даражада ривожланганлиги, миллий валютанинг қадри, еки бўлмаса аҳоли жон бошига туғри келадиган ялпи миллий маҳсулот, инфляция, инкироз ва шу каби курсаткичлар даражаси муҳим аҳамиятга эга, лекин фирма буларни ҳеч қачон назорат қила олмайди.

Мавзу буйича саволлар:

- 1) Мухит деганда нимани тушунамиз?
- 2) Маркетинг мухити нима?
- 3) Маркетинг фаолиятига таъсир этувчи омиллар нима?
- 4) Назорат қилиб бўладиган омиллар ва уларнинг турлари?
- 5) Назорат қилиб бўлмайдиган омиллар қайсилар?
- 6) Мослашиш деганда нима тушунилади?
- 7) Акс таъсир нима?

3-Мавзу. Маркетингни бошқариш.

1. Бозор имкониятларини таҳлил қилиш.
2. Бозорга чуқур кириб бориш.
3. Мақсадли бозорни танлаш.

Таянч иборалар: *Бозор; бозорни урганиш; товарни урганиш; ракибларни урганиш; бозорнинг умумий ҳолатини урганиш; тармоқлараро рақобат механизми; бозорга кириш услублари; товар бозорининг усли босқичлари;*

Адабиётлар:2.5.6.11.15.18.24.

1. Бозор имкониятларини таҳлил қилиш.

Замонавий маркетинг тамойилларида бозорни урганишга алоҳида эътибор берилади. Бозорни урганишдан асосий мақсад унинг конъюктурасига (ҳолатига) баҳо бериш ва ривожланиш истикболини ишлаб чиқишдан иборат. Бундай дастурнинг бажарилиши куп омилларга боғлиқ, шунга қарамай бозорни ҳар томонлама урганиш ва таҳлилни қўйидагича бошлаш мумкин.

Товарни урганиш: ракиблар товарларига қараганда янгилиги ва рақобатбардошлари; ҳозирги ва булажак харидорлар эҳтиёжларини кондира олиш қобилияти; харидорлар талаблари ва давлат ҳужжатлари асосида модификациялаш ва хоказо.

Харидорларни урганиш: товарнинг асосий харидорлари ва уни ишлатиш усуллари; товарнинг қайси белгилари уни сотиб олишга мажбур қилмоқда; харидорларнинг хатти-ҳаракатларини шакллантирувчи омиллар; харидорларни ажратиб олиш имконияти ва уларнинг сони ва таркибини баҳолаш; кондирилмаган талаблар; харидорлар талабига фан-техника ютуқлари таъсири.

Ракибларни урганиш: бозорда катта улушга эришган (3-4 фирмалар) ракиблар; ракибларнинг савдо белгилари ва товарларнинг муҳим сифатлари; товарларнинг урамаси ва сотиш усуллари; баҳо сиёсати ва талабни рағбатлантириш тадбирлари; НИОКР; асосий йуналишлари, харажатлари ва қайси олимлар маслаҳатчи; фойда ва зарарлари туғрисидаги расмий курсаткичлар, янги товарлари ва фаолияти ҳақида эълон қилинган мақолалар. Ундан ташқари мамлакат (регион) бозоридаги ҳуқуқий чегаралар ва қийинчилик туғилиб қолганда ёрдам берувчи муассасалар ҳам урганилади.

Бозорнинг умумий ҳолатини урганишда, унинг географик жойланиши, ҳажми товарлар ва фирмалар таркиби, рақобатнинг шиддати, конъюктураси ва унинг истикболига аҳамият берилади.

Бозор ва энг аввало бутун бозор конъюктурасини доиралар фикрига, бизнесменга хатоларга йул қўймаслик, хужалик масалаларида бир қарорга қелишда таваққалчиликни қамайтиришга ёрдам берадиган муҳим омил ҳисобланади. Иқтисодий конъюктура тадқиқоти товар айирбошлаш усуллари ва уларнинг тақрор ишлаб чиқариш жараёни бошқа босқичлари билан узаро алоқаларини ривожлантиришнинг умумий қонуниятларини урганиш билангина чекланмайди, балки у ёки бу товар бозорида таркиб топган

ахволни хар томонлама чукур тахли этишга, юз бериши мумкин булган вазиятни олдиндан тахмин килишга каратилгандир.

2. Бозорга чукур кириб бориш.

Товар бозори узида, биринчидан, муайян товарни ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар уртасидаги, иккинчидан, ишлаб чиқарувчи ва истеъмол килувчи гуруҳлар ичидаги иктисодий алоқалар тизимини акс эттиради. Биринчи хил алоқаларнинг асосий шакли харид килиш ва сотиш, иккинчи шакли эса узаро рақобатдир.

Тармоқлараро рақобат механизми орқали ҳаракат қиладиган товар бозорлари биргаликда миллий бозорни шакллантиради.

Агар фирма биринчи маротаба бозорга кириб бораётган булса, унда алоҳида стратегия ишлаб чиқилади. Одатда куйидаги турт хил маркетинг стратегиясидан фойдаланилади: (Жадал (шиддатли)) маркетинг.

Буни қупчилик харидорлар - товар тугрисида маълумотга эга булмаган ёки булгани ҳам унинг юқори баҳосидан таъсирланмаган ҳолда ишлатилади. Харидорларни жалб қилиш, уларнинг талабини шакллантириш тадбирлари утказишга катта маблағ ажратиш орқали уюштирилади. Товарнинг ҳам баҳоси юқори урнатилиб қуп фойда олиш назарда тутилади.

Бозорга танлов асосида кириш услуби.

Унинг ҳажми катта булмаган ҳолатда ишлатилади. Товар қупчиликка ноаниқ, ута юқори баҳо қуйилса ҳам харидорлар сотиб олиши мумкин. Рақобатчилар бозорда жуда оз ва шунинг учун талабни рағбатлантиришга кам ҳаражат қилиб қупрок фойдага эришиш мумкин.

Бозорга кенг қуламли кириб бориш услуби.

Бозорнинг ҳажми катта, товар ҳақида харидорлар кам таассуротга эга ва унинг нархи баландлигига рози булмаган даврда ишлатиладиган услуб. Ундан ташқари рақобат қучли, товар ишлаб чиқаришни қупайтириш натижасида унинг таннархи пасаяди ва "баҳолар уруши" га имкон яратилади.

Суст маркетинг услуби билан бозорнинг ҳажми катта булганда, харидорлар товарни яхши билса-да, камрок ҳаражатлар қилиб, пастрок баҳо орқали, рақобат кам шароитда муваффақиятга эришилади.

Товар бозорининг усиш босқичи.

Бозорга қирган товар билан истеъмолчилар қупрок танишгани туфайли рақобатчиларни сика бошлайди. Агар бозор катта булса, рақобатчилар ҳам бизнинг товарга ухшаш товар ишлаб чиқара бошлайди. Рақобатчиларга қарши бозорга уша товарнинг янги - янги турлари ва янги харидорлари учун ишлаб чиқилади. Шу даврда айрим товарларнинг моделини янги харидорлари учун ишлаб чиқилади. Шу даврда айрим товарларнинг моделини янгилаш ва талабни шакллантиришнинг хар хил тадбирлари утказилади.

Рекламада товарнинг амалиётдаги истеъмолчилари тажрибасида синалган хусуситлари қупрок ёритилади, имтиёзлар ва баҳони пасайтиришгача қулланилади.

Товар бозорининг пишган (етилиш) даври. Бу босқичда товарнинг тула ассортименти бозорга қиритилган ва 50 фоиздан ортик харидорлар

керакли товар билан таъминланган булади. Энди товарни асосан кооператив дунёкарашли харидорлар сотиб олади. Талабни рағбатлантириш тадбирлари асосан товарнинг фойдалилигини ёритишга қаратилади.

Товар бозорининг туйиниши. Бу даврда товар асосан сотилиши, бозорда истеъмолчиларнинг қайтадан харид қилишлари ҳисобига амалга оширилади. Талабни рағбатлантириш сиёсати самара бермай қолади. Шунинг учун бозорда яхши талабга эга товарлар қолдирилади. Аммо реклама сусайтирилмай, аксинча қучайтирилади.

Корхонанинг имкониятлари таҳлил қилинганда, унинг бозордаги шарт-шароитлари (ташки муҳити) ва узининг ички салоҳияти тугрисида батафсил ахборотлар тулаб, аниқ хулоса чиқарилади. Бунинг учун "Бозорни комплекс тадқиқ қилиш" ва "Ҳолатли таҳлил" усулларидадан фойдаланилади.

Бозорни комплекс тадқиқ қилиш бошланғич даври бўлиб, корхона маркетинг дастурини ва режасини тузиши учун манба ҳисобланади. Ҳолатли таҳлил, фирма фаолиятини узига хос тафтиш қилиш ва атрофлича баҳолашни уз ичига олади. Унда қуйидаги саволларга жавоб топиб бирор қарорга қилиш мақсад қилинади:

- корхона уз маҳсулоти билан бозорнинг қайси сегменти (табақаси) ни эгаллайди ва уларнинг келажаги қандай?
- корхона маҳсулотига бозорда қандай талаб мавжуд?
- қим ва қандай қилиб корхонага ва унинг маҳсулотига рақобатчи?
- корхона фаолиятига қайси иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, илмий-техник ҳолатлар таъсир қурсатиши мумкин?
- фирманинг узок ва яқин муддатли мақсадлари узаро боғланганлик даражаси?
- қузда тутилган мақсадларнинг ресурс билан таъминланганлиги?
- корхонада маркетинг фаолиятининг ташкил этилиши?
- товарни рақобатбардошлилиги?
- корхонанинг баҳо сиёсати қандай?
- товарлар ҳаракати ва савдосининг баҳоси?
- реклама ва сотишни рағбатлантириш усулларига қандай аҳамият берилмоқда?

Юқоридаги саволларга жавоб топиш ва таҳлил қилиш учун корхонанинг ички ва ташқи қурбатқичларини урганиш ҳамда махсус танлов (суров, тест) дастури орқали ахборотлар йиғилади. Корхонанинг ривожланиш мақсадларини аниқлашда, энг аввало унинг ички имкониятларини ҳисобга олиб, қайси соҳада - сотишнинг усиши орқалилиги ёки бозорда уз улущини қупайтириш, обрусини қутариш йули билан эришиладимиди қабиди саволларга жавоб изланади.

Корхонанинг ривожланиш мақсадлари маркетинг тажрибасига қура бир неча йуналишлар орқали амалга оширилиши мумкин.

Маркетингни бошқариш доимо узгарувчан, бозор ҳолати шароитларида товарлар буйича ишлаб чиқилган дастурнинг бақарилишини бориши устидан доимо қузатишни ва тузатиш қиритилган қарорлар қабул қилишни қузда тутлади.

Маркетингни бошқаришқоидага кура, барча тарибий қисмлар: ишлаб чиқаришни режалаштириш, нархларни ташкил қилиш, таксимлаш канали билан реклама фаолияти, сотишни рағбатлантириш ва х.к. лар буйича амалга оширилади.

3. Мақсадли бозорни танлаш.

Ишлаб чиқарувчиларнинг мақсадга қаратилган ҳулки ҳаммадан аввал муамоларни камраб олувчи бошқарув вазибаларида, ҳамда бу муамоларни хал қилишга йуналтирилган тадбирларни режалаштириш, ташкил қилиш, утказиш ва назорат қилишда уз аксини топади. Шунинг учун корхона маркетинг фаолияти учун, қуйидаги масалалар катта аҳамиятга эга.

Биринчидан, ахборотларни йигиш ва ишлаб чиқиш:

а) ташқи муҳит ҳақидаги маълумотлар;

б) ишлаб чиқариш, молия ва бошқа характердаги ички чеклашлар ҳақидаги маълумотлар;

в) атроф-муҳитнинг турли хил шароитларида турли хил асбобларнинг таъсири ҳақидаги маълумотлар;

г) бозорга таъсир қилиш ва харидорларда афзаллик яратишнинг мавжуд имкониятлари ҳақидаги маълумотлар.

Етарлича муҳим муамолар «а» ва «б» ахборотлар билан боғланган. Бу ахборотлар мақсадий гуруҳни белгилаш учун зарур. «Бозорни сегментлаш» номини олган бу жараеннинг боришида статистик услублар ердамида харидорларнинг географик, биологик, ижтимоий-демографик ва рухий аломатлари тадқиқ қилинади.

Икинчидан, маркетинг усқуналаридан фойдаланиш масалалари муҳимдир. Бозор тугрисидаги ҳиккатни ҳақиқатни билиш, товарни яратиш ва қулай шароитларда режалаштирилган миқдордаги оаврни сотишга эришиш ва уни сотиш вақтини танлашга имкон беради. Бунинг учун сотувчи ихтиерида усқуналарнинг қуйидаги муамолари булади:

1) маҳсулот билан ишлаш биринчи навбатда унинг хусусиятларини: сифати, марка номини танлашларни белгилашеки узгартиришга йуналтирилган. Бундан ташқари бу ерга яна саноатда ишлаб чиқариш дастури ва савдода навларни бутлаш, янги маҳсулотларни ривожлантириш, миқдорларга техник ва савдо хизматларини курсатишқиради;

2) нархларнинг белгиланиши ва узгариши, нархларни даражаланиш имкониятлари, чегирмалар беришни уз ичига олувчи нарх-наво сиесати;

3) таксимлаш сотиш тизими, сотиш нархларини танлаш, сотиш услубларини қуллаш, етказиб беришга тайерлик ҳақидаги қарорни ишлаб чиқиш, қорхонани қулами ва жойлашишини камраб олади;

4) коммуникация уз ичига реклама турлари элементлари, сотишни қуллаб-қувватлашни олади, яъни у хабардор қилинган ва фаоллаштирилган булажак харидорларга уларни тақлифининг фойдалилигини ишонтиришга ва харид қилишга йуналтирилган.

Маркетингни бошқариш уз ичига маркетинг фаолиятини ташкил қилиш масалаларини олади. Шуниси шубҳасизки, қорхона фақат барча хизматлар маркетинг предметини тан олгандагина изчил бозор сиесатини

амалга ошира бошлайди. Мезонлар сифатида вазифалар, махсулотлар, миждозлар гурухлари, худудий сохалар кабул килиниши мумкин.

Мезонларга мувофик хар турдаги ташкилий тузилмалар кирилади.

Мавзу буйича саволлар:

- 1) Бозорни урганишда нималар кузда тутилади?
- 2) Товарлар ва хизматлар бозори нимаси билан фарк килади?
- 3) Бозорга кандай услублар билан кирилади?
- 4) Товарнинг бозордаги хаэтий боскичлари нима?
- 5) Бозорни комплекс тахлил килиш?

4-Мавзу **Маркетинг буйича изланишлар тизими**

1. Маркетинг тадкикотлари ва уларнинг тизими.
2. Маркетинг тадкикотлари схемаси.
3. Бирламчи ва иккиламчи ахборотларни егиш.

Таянч иборалар: *Тадкикот; маркетинг тадкикотлари; тадкикотлар схемаси; ахборот; бирламчи ахборот; иккиламчи ахборот; маълумотларни тахлили; суров; кузатиш; тажриба;*
Адабиётлар: 8.12.15.16.19.

1.Маркетинг тадкикотлари ва уларнинг тизими.

Замонавий маркетинг фаолиятини шакллантириш ва унинг тактика ва стратегиясини белгилашни асоси маркетинг тадкикотлари хисобланади. Маркетинг тадкикотлари-бу товар ва хизматлар маркетинги билан боглик булган ахборотларни доимо системали равишда туплаш, уларни хар томонлама тахлил килиш ва натижаларидан корхонани бошкариш жараенида фойдаланишдир. Бундай тадкикотлар маркетинг муаммоларини хал этиш максадида холис ташкилотлар, ишбилармон фирмалар ва уларнинг агентлари томонидан амалга оширилади.

Ундан ташкари бу кенг маънодаги тушунча булиб уз ичига маркетинг билан боглик булган барча турдаги изланишларни олади.

Бериб утилган таърифларни узига хос хусусиятларини такидлаб утиш жоиз. Биринчидан, бу ташкилотлар самарали булиш учун тасодифий эмас систематик характерга эга булиш керак. Иккинчидан бу бир маротабали тадбир булганлиги учун у маълумотларни ечиш, тахлил килиш, саклаш билан боглик булган жараен икки хатти-харакатлар тупламидан иборат булиш керак. Учинчидан, зарур булган маълумотлар турли хил манбалардан олинади: Фирмани узидан, олдиндан кузда тутилмаган ташкилотлардан, мутахасис тадкикотчидан, фирма ходими ёки ишчидан ва х. з. Туртинчидан, маркетингнинг тадкикотлари унинг турли кирраларига кулланиши мумкин.

Маркетинг тадкикотларини амалга оширишда унга илмий едашишлар зарур. Бу тадкикот объектив, аник ва чукур булиши керак. Хозирги пайтда ракобатда ютиб чикишнинг асосий шарти янги, юкори сифатга эга булган товар ва комплекс сервис- техника хизматлари хамда самарали сотиш усулларини куллашдан иборат булиб колди. Шу талабларни

хисобга олган холда маркетинг тадқиқотларини устивор тури - истеъмолчиларни урганиш, уз навбатда бозорни сегментлаш(табакалаш) деб айтиш мумкин. Бозорни сегментларга ажратиш-унинг истеъмолчиларни махсус гуруҳларга ажратишдир.

Маркетинг амалиётдан келиб чиқган холда шуни айтиш мумкинки, бозорни сегментларга булишда уч хил ендашиш мумкин.

Биринчи- оммавий бозор, корхона унга киришда, кенг харидорлар оммасига каралган бир хил маркетинг дастурини ишлаб чиқади. Иккинчидан-Сегментлашган бозор. Бунда корхона асосий эътиборни алохида белгиларга эга булган бир хил сегментларга каратади ва шу сегмент учун махсус дастур ишлаб чиқади.

Учинчи - купчилик курсаткичлар билан табакалашган бозор. Бунда уз хусусиятлари билан фаркланадиган бир ёки икки хил сегментга алохида дастур ишлаб чиқилади. Бозор сегментларига доимий эмас. Хар доим корхона узининг имкониятлари ва максадларига караб бозорни хар-хил сегментларга ажратиш мумкин. Масалан, истеъмол товарлари учун куйидаги сегментлар мавжуд:

- харидорлар сегментлари (истеъмолчилар, уларнинг хатти харакатлари, даромадлари, хатти- харакатлари ва бошка белгилари)

- товар сегментлари (оммавий ва орзон, киммат ва махсус, кундалик ва х.з)

- савдо сегментлари(товар харакати, сотиш усуллари ва бошкалар)

- географик сегментлар (иктисодий ривожланиш даражаси туман, вилоят, шахар) ахоли сонига ва жойлашишига караб булинади.

2. Маркетинг тадқиқотлари схемаси.

Маркетинг тадқиқотларини айтиб утилган туридан бошка яна бир катор турларини айтиб утиш мумкин. Бу албатта куйилган муаммо ва урганилаётган объектга боғлиқ. Масалан, киска муддатли прогноз-

лаштириш, бозор потенциалини аниқлаш, товар урамасини урганиш, сотишни тахлил килиш, сотиш каналаларини урганиш, баҳолаш системасини урганиш, реклама ва эълонларни самарадорлигини тахлил килиш ва бошкалар. Маркетинг тадқиқотлари жуда жуда хам мурқаб жааендир. Унинг канчалик туги белгиланганлиги, хал этилганлиги ва корхоан фаолиятига тадбик килинганлиги жуда муҳимдир. Шунинг учун хам аниқ бир кетма-кетлик асосида амалга ошиширилади. Бу кетма-кетликни схема куйидаги куринишда тасвирлаш мумкин.

Муаммони аниқлаш
Иккиламчи ахборотларни тахлил килиш
Бирламчи ахборотларни олиш
Маълумотларни тахлил килиш
Таклифлар
Натижалардан фойдаланиш

Куриниб турибдики килиниши керак булган барча ишлар аник бир кетма кетлик асосида бажарилиши зарур. Масалан, урганилиши зарур булган барча муаммолар аникланмасдан иккиламчи ахборотларни йигиб булмайди, иккиламчи ахборотларни тулик урганиб чикмасдан туриб бирламчи ахборотлар ечилмайди. Бирламчи ахборотлар хар доим хам керак булавермайди, чунки купинча холларда корхона узида мавжуд ахборотлар ердамида уз муаммоларини хал килиб олиши керак. Факатгина аникланган муаммони хал килишда иккиламчи ахборотлар етишмай колганидагина бирламчи ахборотларни ечиш зарур. Шунинг учун хам энг аввало хал килиниши зарур булган муаммо аникланиб олинади. Муаммони аниклаш-бу маркетинг тадкикоти предметини аниклаб олишдир. Ёки бошқача килиб айтганда нимани урганиш керак деган саволга жавоб топиш керак. Чунки буни аникламасдан туриб кимматга тушувчи кераксиз ахборотларни ечиб куйиш мумкин.

Маркетинг тадкикотлари схемасида бирламчи ва иккиламчи ахборотлар юзасидан келганда. Хуш, иккиламчи ва бирламчи ахборотлар кандай ахборотлар, улар кандай ечилади?

Иккиламчи ахборотлар- бу олдиндан мазкур муаммони ечиш билан боглик булмаган масалаларни хал килиш максидида ечилган ахборотлардир. Бу ахборотлар етарлими, эскирганми, бундан катъий назар албатта бирламчи ахборотлар ечилишдан олдин урганилиб чикиши зарур. Иккиламчи ахборотлар бир катор авзалликларга эга:

-Унинг бир неча турлари унга киммат эмас(корхона материаллари, тармок буйича чоп этилган маълумотлар, давлат нашрлари)

-Бир неча манбаларда мавжудлиги.

-Айрим ахборотлар манбалари узига хос фирма ола олмайдиган маълумотларни камраб олганлиги

-Бир-бирига боглик булмаган манбалардан тупланган ахборотлар етарлича ишончли булади.

Шу билан бир каторда иккиламчи ахборотлар маълум камчиликларга хам эга:

-Мавжуд ахборотлар узини кулами, стратегик езма характерга эга булган материалар таркатилади. Бу материалар бепул еки номинал суммаларда сотилади. Мисол учун Бахо ва бохолаш , кредит, махсулот кафолати, савдонинг ноқонуний усуллари, ман этилган товарлар, бозор химояси ва бошқалар. Нодавлат ахборотларига келсак унинг аосан учта манбаси мавжуд: даврий нашрлар, китоблар, монографиялар, маколалар, тижорат тадкикот ташкилотлари. Демак шу манбалардан олинган ахборотларнинг барчаси иккиламчи ахборотлар гурухига киради.

Бирламчи ахборотлар бу куйилган аник муаммони хал килиш максидида янгидан ечилган маълумотлардир. Бу маълумотлар қачонки иккиламчи ахборотлар тулик тахлил этилиб тадкикот учун кушимча

маълумот зарур деб топилганда ечилади холос. Бирламчи ахборотлар хам узига хос авзаллик ва камчиликлари бор. Унинг авзалликлари куйидагилардан иборат:

- улар аниқ мақсадни кузлаган ҳолда тупланади:
- бу ахборотларни туплаш услублари компанияга маълум ва у томонидан нозорат қилади.

- ахборот фақат компания фойдаланиш учун ечилади бу эса рақобат компаниялардан сир сақлашни таъминлайди.

- бир неча манбалардан ечилагн бу ахборотлар ичида бир бирига зид булганлари йук.

-ахборотларнинг ишончлилиги олдиндан белгиланган.

Бирламчи ахборотларнинг камчиликлари сифатида куйидагиларни олиш мумкин:

- бирламчи ахборотларни ечиш купрок вақт талаб қилади.

- бу ахборотларни ечиш купрок маблағ талаб қилади,

- фирма бирламчи ахборотларни ечишга кодир булмаслиги мумкин.

- бу ахборотларни ечиш учун фирма томонидан килинган ҳаракатлар чегараланган булиши мумкин.

Агарда компания бпрламчи ахборотларни ечиш зарур деган ҳулосага келса, у аввало тадқиқот тузилмасини ишлаб чиқиши керак булади. Бу эса маълумотларни ким ечади? Қандай маълумотлар ечиш керак? Қимни ёки нимани тадқиқот қилиш керак? Маълумотлар қандай усулда ечилади? деган саволларга жавоб топиш демақдур.

Маълумотларни ким ечади? Компания узи ёки тадқиқот билан шугулланувчи махсус фирмаларни ёнлаш орқали амалга ошириш мумкин. Маълумотларни ечиш жараенида фирма тадқиқот булими томонидан амалга ошириш мақсадга мувофиқ булар эди, чунки фирма фаолияти буйича бу булим купрок тасаввур ва билимга эга, фирманинг ҳар бир ходими бу булимнинг маълумотларидан тулик фойдалана олади, ахборотлар доимий равишда бу булимда ечилади ва сақланади, ахборотлар учун жавобгарлик қафолотланган. Бунинг салбий томони шуки, бундай булимлар фирма томонидан сақлаб туриш анча куп ҳаражатлар талаб қилса, иккинчи томондан бу булимларни бу ишга тулик ихтисослашганлиги етарли савияда эмас.

Қандай ахборотларни ечиш керак? Ечилиши керак булган ахборот тури, ҳажми куйилган муаммога боғлиқ. Бунда асосан ортиқча ахборотларни ечишга йул қуёлмаслиқ муҳим аҳамиятга эга.

Қимни ёки нимани тадқиқот қилиш керак? Биринчидан тадқиқотни қайси объект уни этиборини тортаётганини аниқлаб олиш керак.

Тадқиқотлар одатда истеъмолчиларни таҳлил қилиш билан боғлиқ булиш мумкин, компания ходимлари билан(сотувчилар, товра ҳаракати ходимлари) боғлиқ булиши мумкин, сотиш каналлари (улгуржи ёки чакана савдо, брокерлар) билан боғлиқ булиши мумкин. Лекин улардан қайси бири булмасин бари -бир аниқ тушунчага эга булишим керак.

Иккинчидан, тадқиқот объектларини танлаш тартибини аниқлаб олиш керак.

Учинчидан, танлаш хажмини аниклаб олиш керак. Одатда объектлар микдори канча катта булса, тадкикот натижалари аникрок лекин харажат купрок булади.

3.Бирламчи ва иккиламчи ахборотларни егиш.

Ахборотларни кайси услублар ердамида ечиш керак? Одатда ахборотларни ечишда куйидага турта услуб кулланилади: савол-жавоб, кузатиш, эксперимент ва имитация. Имитация (ухшатиш)-ЭХМ ишлатишга асосланган услуб булиб, хар - хил омилларни фирма маркетинг стратегиясига таъсири аникланади. Ёки бошкача килиб айтганда, маркетинг омилларини реал шароитда эмас, коғозда фойдаланишдир.

Савол-жавоб жараёнида одамлар билан шахсан учрашиш, телефон еки почта оркали алока урнатиш оркали амалга оширилиши мумкин. Шахсан учрашиш оркали савол-жавоб яккама-якка тарзда утказилади. Бу купрок хар томонлама жавоб олишга каратилади. Бирок бу услубда куп вақтни сарфлашга тугри келади. Айрим холларда савол-жавоб олиб бораётган киши уз фикрларини бу жараёнда билдириб куйиши бу билан эса етарли даражада жавоб ололмасликка олиб келиши мумкин. Телефон оркали савол-жавоб эса нисбатан кам вақт талаб килади. Бу ерда ягона муаммо жавоб беришдан бош тортиш холос. Почта оркали савол-жавоб жуда арзон кечади. Бу ерда асосий муаммо жавоб ёзишдан бош тортиш ва жавобларнинг кеч келиб тушишидир.

Юкорида айтиб утилган савол-жавоб турлари очик еки ёпик шаклда булиши мумкин. Очик шаклдагисида тадкикотнинг реал максади жавоб берувчига билдирилади. Ёпик шаклдагисида эса бу нарса айтилмайди.

Кузатиш бу аналитик усул булиб истеъмомчилар хатти-харакати аник холатларда урганилади. У очик холатда еки хуфёна (телекамералар оркали) дуқонларнинг савдо майдонларида утказилади.

Эксперимент (тажриба утказиш) услуби билан назорат килинаётганда бирор маркетинг элементи узгартирилиб колганлари эски холида колдирилади.

Мавзу буйича саволлар:

- 1) Тадкикот деганда нимани тушунаимиз?
- 2) Маркетинг тадкикоти нима?
- 3) Маркетинг тадкикоти турлари хакидаги фикрингиз?
- 4) Маркетинг тадкикоти боскичлари асосий элементлари?
- 5) Маркетинг ахбороти турлари ва уларни туплаш усуллари?

5-Мавзу. МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИК РЕЖАСИ

1. Маркетинг стратегик режасининг мазмуни ва ахамияти.
2. Маркетинг режаси турлари.
3. Маркетинг ва бошка ташкиллаштиришнинг бошка функционал сохалар орасидаги функционал богликликни кучайтириш.

Таянч иборалар: *Маркетинг стратегик режаси; стратегик режа ахамияти; стратегик режа синфлари; стратегик режа ва бошка функционал сохалар;*

1. Маркетинг стратегик режасининг мазмуни ва ахамияти.

Маълумки, маркетинг фаолият курсатаётган икки гуруҳга: маркетинг ва олий раҳбарият томонидан назорат қилиб буладиган омиллар ва олий раҳбарият томонидан назорат қилиб булмайдиган омилларга бўлинган эди. Маркетинг ва олий раҳбарият томонидан назорат қилиб буладиган омилларни аниқ бир мулжалга йуналтириш ва қарор қабул қилиш учун асос яратишда режалаштириш жараенидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Маркетинг нуқтаи назаридан стратегик режа, фирма томонидан қандай маркетинг хатти-ҳаракатлари кулланиши керак, нима учун улар зарур, қим уни бажарилишига жавоб бериш керак, нима учун улар зарур, улар қаерда кулланилади ва қандай яқунларни курсатади, шунингдек у фирманинг жорий ҳолати, унинг кейинги пайтлардаги мулжаллаган ва шунга мостлаб ресурсларни қандай тақсимлашни аниқлаб беради. Маркетинг стратегик режаси узига ҳос бир қатор ҳужжатларга эга. Масалан, Маркетинг стратегик режаси стратегик ҳужалик бўлинмалари (СХБ) ва уларнинг узоро боғлиқ ҳолатдаги ҳаракатига асосан тузилади. Ундан ташқари у маркетинг аҳборот тузилмалари, маркетинг тадқиқотлари, сотиш бўлимлари, бухгалтерия ва бошка тузилмалар маълумотларига суянган ҳолда булади, шунинг билан биргаликда у аниқ таҳлил, меҳнат унумдорлиги ва ресурслар тақсимлашнинг режали моделлари таҳлилларидан кенг фойдаланилади. Маркетинг режаси муаммоларни ҳал қилиш кетма-кетлигининг яқин ва у муддатларни ҳам ҳисобга олиши, қутилмаган ҳолларда режани ва атроф муҳитни таҳлилларини қушиб олиб беради. Маркетинг стратегик режасининг аҳамияти қуйидагиларда қуриш мумкун: Биринчидан: стратегик режа фирманинг фаолияти учун аниқ йуналишни белгилаб, фирма маркетинг тадқиқотлари тузилмалари, истеъмолчиларни урганиш жараени, маҳсулотларни режалаштиришни, унинг ҳаракати ва сотилиши, шунингдек нарҳини режалаштиришни яқши англаб олишга имкун яратади. Иккинчидан, ҳар бир бўлинмаларнинг аниқ маҳсулотларини аниқлаб уларни фирманинг умумий мақсадларига боғлаб беради. Учинчидан, стратегик режа фирмани рақибларига нисбатан қучли ва қучсиз томонлари, атроф-муҳит томонидан бўлиши мумкун бўлган хатарларни аниқлашга мажбур этади. Туртинчидан, бу режа фирмага ухшаш ҳаражатлар еки ҳаракатлар комбинациясини куллаш имконини беради. Бешинчидан, ресурсларни оқилона тақсимлашга асос яратади. Олтинчидан, фирма уз фаолиятини баҳолаб беришни нечоғли зарар эканлигини намоён этади.

2. Маркетинг режаси турлари

Маркетинг режаси асосан қуйидаги синфларга ажратиш мумкун: муддатларига қараб, кулланишига қараб, тузиш услубига қараб.

Муддатига қараб маркетинг режа қисқа муддатли (1-йилгача), урта муддатли (2-йилдан 5-йилгача), узок муддатли (5-йилдан 10-йилгача, ҳатто

ундан ортик). Киска ва урта муддатли режалар узок муддатли режага нисбатан аниқроқ ва тезкорроқ булади. Масалан, 1-йилга мужжалланган режа маркетинг учун аниқ мақсадлари ва ҳар бир маҳсулот учун стратегияни белгиласа, узок муддатли режа эса бу нарсани истикболини белгилаб берган фирма томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун алоҳида-алоҳида маркетинг режа, барча маҳсулотлар учун битта умумлашган режа еки маркетингга бағишланган булимлари мавжуд умумхужалик режаси тузилади. Купинча истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчилар ҳар бир ассортимент гуруҳлари учун алоҳида маркетинг режаси тузиб оладилар. Хизмат курсатиш соҳаларида фаолият курсатувчи корхоналар еки фирмалар умумлашган маркетинг фойдалансалар ишлаб чиқариш жараенига мужжалланган товарларни ишлаб чиқарувчилар эса умумхужалик режаларидан фойдаланадилар.

Маркетинг режаларини тузишда пастдан юкорига қараб еки юкоридан пастга қараб услубларини куллаш мумкин.

3.Маркетинг ва бошқа ташкиллаштиришнинг бошқа функционал соҳалар орасидаги функционал боғлиқликни кучайтириш

Пастдан юкорга услубини кулланилганда маркетинг режаси маркетинг бюджети, истикболлари, муҳити ва стратегияси, сотувчилар, маҳсулот буйича бошқарувчилар реклама булими ва бошқа маркетинг хизмати ходимлари ахборотига асосланган ҳолда тузилади. Бу услубга қура тузилган режа анча ҳаётий булиб уни тузишда иштирок этган ва уни амалга оширишга жавобгар ходимлар рухий ҳолатига яхши таъсир урсатади. Бу услубнинг камчилиги шундан иборатки тузилган режаларни битта умумлашган режага боғлаб олиш анча кийинчиликлар тугдириши мумкин. Юкоридан пастга услубига қура тузилган маркетинг режа эса бундан мустасно. Чунки режалаштириш фаолияти марказлашган ҳолда бошқарилади ва нозорат қилинади. Фақатгина бу жараенга пастги босқичдаги раҳбар ходимлар жалб қилинмаганлиги учун бу нарса уларнинг рухий ҳолатига ёмон таъсир курсатиши мумкин.

Стратегик режалаштиришни маркетинг ва бошқа функционал соҳаларнинг аниқ мақсадларини бир вақтда қонотлантириши керак. Бу эса ҳамма вақт осонликча амалга ошавермайди, чунки турли функционал булимларнинг мақсад ва талабларига турлича, мисол учун маркетинг, аниқ истемолчиларга мулжалланган маҳсулотни; узгарувчан бюджетни; қузда тутилмаган харажатларни; янги маҳсулотларни, рақибларга қарши ҳатти харажатларни талаб қилади. Бу эса оммавий ишлаб чиқарувга интилиш билан (ишлаб чиқариш хизматлари) аниқ белгиланган бюджет билан (молия хизматлари), меъерлаштилган ишлар билан (бухгалтерия), конструкторлик хизматлари билан , рақибларга қарши суғ харажатлар билан (юримдик хизматар) қелишмовчиликка олиб қелиш мумкин. Шунинг учун олий раҳбарият шу нарсага эришиш керакки, бунда барча функционал булимлар уз нуқтаи назарини умумлаштира олсак, бу эса ҳамкорликда қарор қабул қилиш жараенида уз ифодасини топсин. Бунга эришиш учун барча булимлар орасидаги фарқ ва уларнинг узаро боғлиқлигини очик муҳокама

килиш . маркетинг ва техник булимларни мужассамлаштира оладиган кишиларни ахтариб топиш, барча функционал булимлараро ишчи гуруҳларни тузиш барча функционал булинмаларнинг хал киладиган масалаларини назарда тутган холда хар бир булинманинг максadini ишлаб чиқариш каби ишларни амалга ошириш зарур.

Мавзу буйича саволлар:

- 1) Маркетинг стратегик режаси нима?
- 2) Маркетинг стратегик режаси кандай?
- 3) Амалиётда маркетинг стратегик режаси кандай ахамиятга эга?
- 4) Стратегик режа тузиш услублари кандай?

6-Мавзу.

Стратегик режалаштириш

- 1.Стратегик режалаштириш жараени.
- 2.Маркетинг корхоналарини назорат килиш..

Таянч иборалар:

Стратегик режалаштириш; бозор ва товарлар буйича имкониятлар матрицаси;"Бостон консултинг груп" Партер; назорат; тафтиш;

Адабиётлар: 2.5.7.8.17.23.

1.Стратегик режалаштириш жараени.

Стратегик режалаштириш жараени бир бирига боғлиқ булган бир котор боскичларни уз ичига олади. Бу боскичлар эса фирма рахбари ва маркетинг хизмати ходимлар томонидан ҳамкорликда амалга оширилади. Шу нарсани едда тутиш керакки, бу жараен ҳам катта ҳам кичик корхона, фирма фаолиятда куллаш мумкин.

Стратегик режалаштириш жараенининг 1-боскичи ташкилот вазифаларини аниқлаш булиб хизмат килади. Ташкилий вазифалар унинг бирор турдаги фаолиятига каратилган узок муддатли мулжаллаш ва бозордаги тутган урнига боғлиқ булади. Уни кайси гуруҳ истеъмолчиларига хизмат курсатаётгани, кайси функцияни бажараетганива кайси ишлаб чиқариш жараенидан фойдаланаётганлигига караб аниқлаб олиш мумкун.

Ташкилот вазифалари билвосита куйидагиларга тегишли булиши мумкин. Агарда фирма узининг янги махсулотлари билан бозорга кириб бораётган булса; олдиги курсатилаётган хизмат ва товарлар сотилиши тухтатилаётган булса;истемолчиларнинг янги гуруҳини жалб келинаётган булса; сотиш еки сотиб олиш оркали амалга оширилаётган фаолият сохаси кискартирилаётган еки кенгайтирилаётган булса .

Ташкилот вазифаларини аниқлаб булингандан кейин 2-боскич-стратегик хужалик булинмалари(СХБ)тузиб олиш амалга оширилади. Бу

СХБ булим еки булинмалар булиб, улар ассортимент гурухларига жавоб берадилар, еки бирон бир бошкарувчи кул остида булган аник бир бозорда мужассамлаштирилган жавоб булимидир.

СХБ- бу маркетинг стратегик режасининг асосий элементиدير. Уларнинг хар бири куйидаги тафсивларга эга булади: аник мулжалга; аник максадли бозорга каратиганлиги; фирма маркетинг хзмати булимининг бирорта ходим томонидан бошкарилиши; уз ресусрлари назорат килиш; узининг стратегиясига эга булиш; ракибларни аник белгиланганлиги; аник ажралиб турувчи устунликлари.

Стратегик режалаштириш жараенининг 3-боскичи маркетинг максadini белгилаб олишдир. Ташкилотлардаги хар бир СХБ узининг аник максadini аниклаб олиш зарурдир. Одатда бу максадлар хам микдорий курсаткичлар(долларда сотиш, фойда микдорларини олиш фоизлари, бозордаги улуши), хам сифат нуктаи-назаридан (истеъмолдаги образи, тармоқда тутган урни инновацияланганлиги) Изланиш шу нарсани курсатдики ишлаб чикариш характерига эга булган махсулот ишлаб чикарувчиларда маркетинг максадлари асосан фойда микдорини ошириш, савдо счетлари фаолиятини кучайтириш, янги махсулотларни ишлаб чикариш, нархлаштириш сиесати билан боглик булади. Истемол товарларини ишлаб чикарувчиларда маркетинг максадлари фойда микдори, сотишни рагбатлаштириш, янги товар ва нархлаштириш сиесатини ишлаб чикариш, савдо агентлари фаолиятини кучайтириш, реклама Мавзулари, сотишни рахбатлантириш кабилар билан боглик булади.

2.Маркетинг корхоналарини назорат килиш..

Маркетинг стратегик режалаштиришнинг 4-боскичи холатий тахлил деб юритилади. Бу боскичда ташкилот узининг маркетинг имкониятларини ва у дуч келиши мумкун булган муаммоларни аниклаб олади. Холатий тахлил куйидаги 2та умумий саволларга жавоб топиш зарур: фирманинг хозирги пайтдаги ахволи кандай? Шу максадларда атроф мухитни урганиб чикилади, фирманинг аникланган имкониятлари фойдалана олиш даражалари бахоланади, ракибларга нисбатан фирманинг кчли ва кучисз томонлари аникланади ва фирманинг у еки бу стратегиясига нисбатан ракибларнинг хатти-харакатлари урганилади. Курсатиб утилганларнинг барчаси эса куйидаги саволларга тулик жавоб топишни таказо этади:

- фирма уз махсулотлотлари билан бозорнинг кайси сегментларини эгаллайди?

- фирма махсулотига бозорда кандай талаб мавжуд?

- ким ва кандай килиб корхона махсулотига ракобатчи?

- фирма фаолиятига кайси иктисодий, ижтимоий, сиесий, илмий ва техник омиллар таъсир курсатиш мумкин?

-фирманинг узок ва якин муддатли максадларнинг узаро богланганлик даражаси?

- кузда тутилган максадларни ресурслар билан таъминланганлиги кандай?

-товарнинг ракобатбардошлиги?

- фирманинг баҳо сиёсати?
- товарлар харакатини ва савдонинг ахволи кандай?
- реклама ва сотишни рағбатлантириш усулларига кандай ахамият берилмокда.

Баъзи холларда юкорида курсатилган саволларга тулик жавоб олиш натижасида фирмаларнинг кучсиз томонлариниенгиб утишни иложи йук деган хулосага келиши мумкин бу холларда у еки бу турдаги товар гурухларини ишлаб чикаришни тухтатиш зарур булади.

